

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВА ГУЛЧЕХРА АБДУЛЛАЕВНА**

**COVID-19 ДАН КЕЙИН КЕЛИБ ЧИҚҚАН МИОКАРДИТ ВА  
МИОПЕРИКАРДИТ РИВОЖЛАНИШИДА ПОЛИМОРФ ГЕНЛАР  
МАТРИКС МЕТАЛЛОПРОТЕИНАЗАСИ ВА УНИНГ ТЎҚИМА  
ИНГИБИТОРЛАРИНИНГ РОЛИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарканд –2025**

**Фалсафа доктори ( PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ахмедова Гулчехра Абдуллаевна**

COVID-19дан кейин келиб чиққан миокардит ва миоперикардит  
ривожланишида полиморф генлар матрикс металлопротеиназа ва унинг  
тўқима ингибиторларининг роли.....3

**Ахмедова Гулчехра Абдуллаевна**

Роль полиморфных вариантов генов ММП и их тканевых ингибиторов  
в развитии миокардита и миоперикардита вызванном COVID-19.....27

**Akhmedova Gulchehra Abdullaevna**

Role of polymorphic variants of MMP genes and their tissue inhibitors in the  
development of myocarditis and myopericarditis caused by COVID-19.....56

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 60

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВА ГУЛЧЕХРА АБДУЛЛАЕВНА**

**COVID-19 ДАН ҚЕЙИН КЕЛИБ ЧИҚҚАН МИОКАРДИТ ВА  
МИОПЕРИКАРДИТ РИВОЖЛАНИШИДА ПОЛИМОРФ ГЕНЛАР  
МАТРИКС МЕТАЛОПРОТЕИНАЗАСИ ВА УНИНГ ТЎҚИМА  
ИНГИБИТОРЛАРИНИНГ РОЛИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарканд –2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib1501 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.urgfiltma.uz](http://www.urgfiltma.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ахмедова Нилуфар Шариповна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Мирахмедова Хилола Тухтасиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Хоразм вилояти, Урганч ш., Ал-Хоразмий кўчаси, 28. Тел./факс: (+99862) 224-84-84), e-mail: [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Хоразм вилояти, Урганч ш., Ал-Хоразмий кўчаси, 28. Тел./факс: (+99862) 224-84-84), e-mail: [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Ю.Рузибаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**З.Ф.Джуманиязова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Р.Б.Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда COVID-19 пандемиясининг тарқалиши глобал соғлиқни сақлаш тизимида сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлиб, мавжуд муаммоларни янада кучайтирди ва янги муаммоларни очиб берди. Инфекциянинг энг хавфли оқибатларидан бири миокардит ва миоперикардит каби юрак-қон томир асоратларининг ривожланиши бўлди. Бу патологиялар, юрак мушаклари ва уни ўраб турган тўқималарнинг яллиғланиши билан тавсифланадиган ҳолатлар сифатида, нафақат COVID-19 клиник кечишини оғирлаштиради, балки беморлар саломатлигига узоқ муддатли салбий таъсир кўрсатади, шу жумладан, юрак етишмовчилиги ва бошқа жиддий юрак-қон томир касалликлари хавфини оширади. Дунё бўйлаб COVID-19 билан касалланганларнинг кўплигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу асоратларнинг ривожланиш механизмларини ўрганиш алоҳида долзарб аҳамият касб этади<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта уствор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислох қилиш, ногирогликнинг олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар кўйилган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш билан бир қаторда юрак қон томир тизими касалликлари ва улар билан боғлиқ патологик ҳолатларни даволаш усуллари жорий этиш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб, юрак қон томир тизими касалликларини даволаш тамоилларини ишлаб чиқиш беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, эрта ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармонида белгиланган вазифаларга маълум даражада мос келади. 2017-2021-йилларда, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 12-июндаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”<sup>3</sup> ги ПҚ-3052-сон қарорларида соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини такомиллаштириш” ҳамда 2017-йил 20-июндаги ПҚ – 3071-сон “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига

<sup>1</sup> Анаев Э.Х, Княжеская Н.П. Коагулопатия при COVID-19: фокус на антикоагулянтную терапию. // Журнал-Практическая пульмонология. 2020;(1):

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига тўғрисидаги Фармони.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони.

ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган. Ушбу маълумотлар шахсийлаштирилган терапияга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун COVID-19 дан кейинги келиб чиққан миокардит ва миоперикардит каби кардиал асоратларни турли патогенетик бўғинлари ўртасидаги муносабатларни аниқлашга қаратилган тегишли диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация ишининг давлат дастурлари ёки илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ № 012000260 рақамли “Юқумли ва ижтимоий аҳамиятга эга юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш” номли амалий лойиҳа доирасида амалга оширилди

**Муаммони ўрганилганлиги даражаси.** COVID-19 туфайли ривожланган миокардит ва миоперикардит пандемия бошланишидан бери илмий жамоатчиликнинг катта эътиборини тортди. Бу юрак мушаклари ва перикарднинг яллиғланиши билан боғлиқ касалликлар SARS-CoV-2 инфекциясининг энг жиддий асоратларидан бири бўлиб, узок муддатли салбий оқибатларга, шу жумладан, юрак етишмовчилиги ва тўсатдан кардиал ўлимга олиб келиши мумкин. (Шарвадзе Г.Г. ва бошқ., 2020). Пандемия бошлангандан ушбу асоратларга бағишланган кўплаб тадқиқотлар ўтказилган бўлса-да, уларнинг ривожланиш механизмларини тушуниш, айниқса генетик мойиллик ва ММП ҳамда ТИМП генларидаги полиморфик вариантлар роли контекстида, ҳамон тўлиқ ўрганилмаган (Deng Y. ва бошқ., 2020).

ММП ва ТИМП генларидаги полиморфик вариантларнинг миокардит ва миоперикардит патогенезидаги роли етарлича ўрганилмаган, ушбу ферментлар ҳужайралараро матрикснинг қайта тузилиши ва юрак тўқималаридаги яллиғланиш жараёнларида асосий рол ўйнайди. (Vakhshoogi M. ва бошқ., 2020). Сўнгги йилларда тадқиқотчилар ушбу генлардаги полиморфизмларнинг турли инфекциялар, шу жумладан вирусли касалликлар туфайли ривожланган юрак яллиғланиш касалликларига таъсирини фаолроқ ўрганишни бошладилар. Аммо, COVID-19 туфайли ривожланган миокардит ва миоперикардит билан боғлиқ ММП ва ТИМП полиморфизмлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганувчи аниқ тадқиқотлар ҳали ҳам бошланғич босқичда бўлиб, янада чуқурроқ тадқиқотларни талаб қилади (Seymen S.M. ва бошқ., 2021).

Ҳозирги кунда мавжуд маълумотлар ММП ва ТИМП генларидаги полиморфизмлар вирусли инфекциялар, шу жумладан COVID-19 пайтида, миокарддаги яллиғланиш даражаси ва тузилма ўзгаришларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатади. (Guo T. ва бошқ., 2020). Аммо,

тадқиқотлар натижалари ҳанузгача зидди бўлиб қолмоқда, бу эса тадқиқот олиб борилган популяциялар, методологиялар ва баҳолаш мезонларидаги фарқлар билан боғлиқ. Бундан ташқари, ўтказилган тадқиқотларнинг аксарияти миокардитдаги яллиғланишнинг умумий жиҳатларини ўрганишга қаратилган бўлиб, ММП ва ТИМП генларидаги генетик вариантлар билан боғлиқ аниқ механизмлар етарлича ўрганилмаган (Mateu-Salat, M. ва бошқ., 2020).

Шу тариқа, COVID-19 туфайли ривожланган миокардит ва миоперикардитда ММП генлари ва уларнинг тўқимавий ингибиторлари полиморфик вариантларининг ролини ўрганиш масаласи долзарблигича қолмоқда ва янада чуқур илмий тадқиқотларни талаб қилади. Бу масаланинг чуқур ўрганилиши нафақат ушбу касалликлар патогенезини яхшироқ тушунишга, балки COVID-19 билан касалланган беморларда юрак-қон томир асоратларини олдини олиш ва даволашга қаратилган янги диагностика ва терапевтик стратегияларни ишлаб чиқишга ёрдам бериши мумкин.

**Тадқиқотнинг мақсади:** SARS-CoV-2 келтириб чиқарадиган миокардит ва миоперикардит ривожланишида ММП-9 полиморф генлари ва ТИМП-1 металлопротеиназаларининг тўқима ингибитори ролини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

COVID-19 билан касалланган беморларда миокардит ва миоперикардитнинг клиник, лаборатор хусусиятларини, характерли аломатлар, биокимёвий белгилар ва инструментал тадқиқот маълумотларини аниқлаш;

COVID-19 билан боғлиқ миокардит ва миоперикардит билан оғриган беморларда бирга келадиган ҳамроҳ касалликларнинг частотасини, ҳамда уларнинг ўрганилаётган касалликларни келтириб чиқаришдаги ролини баҳолаш;

SARS-CoV-2 вируси туфайли ривожланган миокардит ва миоперикардитли беморларда ММП-9 ва ТИМП-1 генларининг полиморф вариантлари аллеллари ва генотипларининг тарқалишини таҳлил қилиш;

COVID-19 сабаб бўлган миокардит ва миоперикардит ривожланиши билан боғлиқ бўлган генетик белгиларни ўрганиш асосида шахсийлаштирилган диагностика ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти:** Ушбу тадқиқотда 2021–2024 йиллар давомида Самарқанд шаҳри ихтисослаштирилган COVID-19 га қарши курашиш марказида (Самарқанд вилояти Кардиология диспансери) даволанган COVID-19 туфайли ривожланган миокардит ва миоперикардит аниқланган 100 нафар, ҳамда кардиал асоратлари бўлмаган, аммо COVID-19 касаллигини ўтказган 50 нафар, умумий 150 нафар беморлар иштирок этишган.

**Тадқиқот предмети:** Клиник кўрсаткичларни баҳолаш учун умумий ва биокимёвий таҳлилларни ўтказиш учун периферик қон намуналари, инструментал текширувлар натижалари, жумладан, ЭКГ, ЭхоКГ, кўкрак қафаси рентгенографияси, шунингдек, ПЗР усулида COVID-19 туфайли миокардит ва миоперикардит ривожланган беморлар қонидаги ММП-9 ва

ТИМР-1 генларининг полиморфик вариантлари таҳлил қилинган.

**Тадқиқот усуллари:** Тадқиқотда сўровномалар, объектив ва физикал текширувлар, COVID-19 сабаб бўлган миокардит ва миоперикардитнинг оғирлигини баҳолаш учун махсус шкалалар, инструментал текширувлар, шу жумладан электрокардиография, эхокардиография, умумий клиник, биокимёвий ва молекуляр-генетик лаборатория синовлари. Маълумотларни таҳлил қилиш учун статистик усуллар, жумладан Microsoft Excel дастурий пакети 2021, Arliquin статистик дастурий таминол туплами ва регрессия моделлари қўлланилган.

**Натижаларнинг ишончлилиқ даражаси:** Етарли миқдордаги кузатувлар ва «R-studio версия 2023.09.1» дастури ёрдамида адекват статистик ишлов бериш усуллариининг қўлланилиши таклиф этилган коидалар, хулосалар ва тавсияларнинг ишончлилигини таъминланган.

**Илмий янгилиги:**

Биринчи марта диагностика ва мониторинг кўрсаткичларнинг муҳимлигини тасдиқловчи ҳамда замонавий тадқиқотларга мос келадиган лаборатор маркерларининг диагностик хусусиятларини (тропонин, С-реактив оксил, Д-димер, креатинкиназа-МБ, миоглобин даражасининг ошиши), инструментал тадқиқот маълумотларини (ЭКГ ва эхокардиография натижалари: миокардит ва миоперикардит билан оғриган беморларда чап қоринча ҳажмининг ошиши ва қискарувчанликнинг бузилиши) COVID-19 касаллиги билан боғлиқлиги аниқланган.

Ўзбекистонда илк бор COVID-19 билан боғлиқ миокардит ва миоперикардит билан оғриган беморларда гипертония, II-тип қандли диабет, семизлик ва ЎСОК каби хамроҳ касалликларнинг частотаси баҳоланган ва олинган маълумотлар ушбу касалликларга чалинган беморларда COVID-19 билан миокардит ва миоперикардит ривожланиш хавфи юқорилиги касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш муҳимлиги исботланган.

Биринчи марта ММП-9 ва ТИМП-1 генларининг полиморф вариантларининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиши бўйича таҳлил ўтказилиб, уларда COVID-19 сабаб бўлган миокардит ва миоперикардит ММП-9 генининг 8202 А>G (rs11697325) А аллели ва АА - гомозигот генотипи миокард яллиғланишининг юқори даражалари ва юрак функцияси бузилишлар билан боғлиқ миокардит хавфининг ошишига олиб келиши кузатилган ва тадқиқотлар натижасида ТИМП-1 генининг 536 С>Т (rs11551797) полиморфизми COVID-19 сабаб бўлган миокардит ривожланиши учун муҳим хавф омили эмаслиги аниқланган.

COVID-19да миокардит ва миоперикардит ривожланиши билан боғлиқ генетик маркерлар аниқланган, ММП-9 генининг 8202 А>G (rs11697325) полиморфизми ушбу касалликларнинг ривожланиш хавфини башорат қилиши ва уларнинг ҳимоя қийматини тасдиқлаши исботланган, беморларда яллиғланиш ва юрак шикастланишини камайтиришга қаратилган шахсий диагностика усуллари ишлаб чиқилган, ҳамда даволашни эрта бошлаш имконии берган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Олинган натижалар асосида кардиал маркерлар жумладан, тропонин, креатин киназа, D-димер даражалари ҳамда электролитлар натрий, калий, кальций даражаларидаги ўзгаришлар COVID-19 ва унинг асоратларининг эрта маркерлари сифатида хизмат қилиши аниқланган.

COVID-19 туфайли ривожланган миокардит ва миоперикардитга чалинган беморларда артериал гипертензия, қандли диабет ва семизлик каби хамрох касалликлар кардиал асоратлар ривожланишда сезиларли даражада таъсири борлиги исботланган, натижада кардиал оқибатларни олдини олиш учун беморларни янада интенсив мониторинг қилиш ва мақсадли даволаш зарурлиги ўрганилган.

ММП-9 генидаги -8202 A>G (rs11697325) полиморфик локуси А аллели ва АА гомозиготали генотиби COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланишининг юқори хавфи билан боғлиқ эканлиги ҳамда беморларда юрак-қон томир асоратлари хавфини прогноз қилиш учун генетик тестлашни жорий этиш зарурлиги таъкидланган.

Клиник амалиётга COVID-19 туфайли ривожланган миокардит ва миоперикардитни диагностикалаш ва даволашнинг янги ёндашувлари асосида клиник-демографик маълумотлар, лаборатория кўрсаткичлари ва генетик маркерларнинг комплекс таҳлили ишлаб чиқилган бўлиб, клиник натижаларни яхшилашга ва беморлар ўртасида ўлим даражасини камайтиришга ёрдам берилганлиги исботланган.

#### **Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 сабаб ривожланган миокардит ва миоперикардит каби кардиал асоратлари бор беморларда ММП-9 генининг 8202 A>G (rs11697325) полиморфизмларининг ўзгариши миокард яллиғланишининг юқори даражалари ва юрак функцияси бузилиши билан боғлиқ миокардит хавфининг ошишига олиб келиши ҳамда вирусли инфекциялар вақтида юрак-қон томир тизимининг шикастланиш механизмларини чуқурроқ тушунишга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти COVID-19 билан касалланган беморларда миокардит ва миоперикардит каби кардиал асоратлар ривожланишини эрта аниқлаш ва даволаш учун юрак биомаркерлари жумладан, тропонин, креатин киназа, D-димер, қондаги электролитлар натрий, калий, кальций даражалари ҳамда ММП-9 генининг полиморф вариантларини генетик тестлашни стандарт дастурларига киритиш терапия самарадорлигини ошириб, оғир асоратларни ривожланиш хавфини камайтириши билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги.**

Олинган илмий натижалар асосида, COVID-19 туфайли ривожланган миокардит ва миоперикардитга чалинган пациентларда клиник кечиш хусусиятлари ва лаборатория кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқилган ва тасдиқланган «COVID-19 билан касалланган миокардит ва перикардит билан асоратланган беморларнинг клиник хусусиятлари» мавзусидаги методик тавсиялар (СамДавТУнинг 2024 йил 29 майдаги 10-сонли маказий кенгаш баённомаси) тузилди. Ушбу методик тавсиялар COVID-19 билан боғлиқ

кардиал асоратларнинг диагностикаси, мониторинги ва даволашни яхшилашга қаратилган бўлиб, бу тиббий ёрдам сифати ошишига ва ўлим ҳолатларининг камайишига ёрдам беради.

Шунингдек, COVID-19 билан боғлиқ миокардитга чалинган беморларда генетик полиморфизмлар ва электролит кўрсаткичларининг аҳамияти бўйича маълумотлар асосида, асоратларни прогноз қилиш ва олдини олиш воситалари сифатида генетик тестлаш ва электролитларни мониторинг қилиш бўйича клиницистлар учун қўшимча тавсиянома «COVID-19 сабабли келиб чиққан миокардит ва миоперикардит ривожланишида полиморф генлар ММП-9 ва ТИМП-1 тўқима ингибиторларининг роли» ишлаб чиқилди. (СамДавТУнинг 2024 йил 29 майдаги 10-сонли маказий кенгаш баённомаси). Бу тавсиялар қатор тиббиёт муассасалари амалиётига жорий қилинди, бу эса COVID-19нинг оғир шаклларига чалинган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга ёрдам берди.

Иқтисодий самарадорлик: ушбу усулни амалиётга жорий этиш натижасида оғир асоратлар сонини сезиларли даражада камайтиришга ва беморларнинг стационарда бўлиш давомийлигини ўртача 2 кунга қисқартиришга имкон берилган ва давлат бюджетидан 260 000 сўм (Самарқанднинг кўп тармоқли клиникаси кардиология бўлимидаги бир койка-кун қиймати 130 000 сўмни ташкил этади) маблағларни тежашга эришилган

Иқтисодий самарадорлик: COVID-19 билан боғлиқ миокардитга чалинган беморларда мунтазам зарур бўладиган умумий ва биокимёвий кон тахлиллари (35400 сўм ва 115000 сўм) ва инструментал текширишлар (ЭКГ 51 900 сўм ва ЭхоКГ 60 900 сўм) текширувларга талаб камайган ва умумий 263 200 сўм маблағ иқтисод қилинган.

Иқтисодий самарадорлик: Генетик ва лаборатория маркерларнинг эрта диагностикаси ва мониторинги туфайли асоратлар сони ва интенсив терапияга бўлган эҳтиёж сезиларли даражада камайган, натижада реанимация бўлимларида даволаш харажатларини қисқартириш ҳисобига ҳар бир бемор учун 180 000 сўм иқтисод қилишга эришилган.

Иқтисодий самарадорлик: терапевтик режимларни оптималлаштириш орқали COVID-19 билан боғлиқ миокардитга чалинган беморларни даволаш харажатлари камайган, самарасиз терапевтик воситалар буюрилиши сонини ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларини камайтирган. Бунинг натижасида стационарда даволаниш муддати ўртача 2 кунга қисқарганлиги ҳисобига 518 000 сўм (Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Карши филиалида 1 кунлик койка пули 259 000 сўм) ва шифохонада ўртача 2 кунлик дори воситалари учун 520 300 сўм маблағ иқтисод қилишига эришилган

Тадқиқот натижалари ва ишлаб чиқилган методик тавсиялар бир қатор тиббиёт муассасалари, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси кардиология бўлими (2024 йил 30 июлдаги №123-К-сонли буйруқ), Самарқанд вилояти Ургут туман тиббиёт

бирлашмаси (2024 йил 15 июндаги 1685-7-105-ТБ-2024-сон буйруқ) ва Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Карши фелиали (2024 йил 10 июлдаги №439-К-сонли буйруқ) амалиётига жорий қилинди. Бу жорий қилиш COVID-19 билан боғлиқ кардиал асоратларга чалинган беморлар натижаларини яхшилашга ва соғлиқни сақлаш харажатларини оптималлаштиришга ёрдам бермоқда.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та республика ва 2 та ҳорижий илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та чоп этилган иш, жумладан, 6 та мақола Халқаро ОАК томонидан тасдиқланган журналларда, 7 та мақола ЎЗР ОАК томонидан тасдиқланган журналларда, 2 та методик тавсиялар, 1 та ЭХМ дастурлар ва 4 та тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Иш 115 саҳифадан иборат. Диссертация кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифи ва ўз тадқиқот натижаларини ўз ичига олган бўлим (4 қисм), хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмда** диссертация мавзусининг долзарблиги, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси илмий ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилик ва тадқиқотларнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалий тиббиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **биринчи боби** "Адабиётлар шарҳи"да COVID-19 туфайли ривожланган миокардит ва миоперикардит патогенезида матрикс металопротеиназалар (ММП) ва уларнинг тўқимавий ингибиторлари (ТИМП) генларининг полиморфик вариантлари ролини муҳокама қилади. Адабиётларда миокардит ва миоперикардит SARS-CoV-2 инфекциясининг жиддий асоратлари сифатида қайд этилиб, улар юрак етишмовчилиги каби саломатликка узоқ муддатли таъсир кўрсатиши мумкинлиги таъкидланади. Ушбу асоратлар COVID-19 билан касалланган беморларнинг нисбатан кичик қисмида кузатилган бўлса-да, уларнинг соғлиқни сақлаш тизимига кўрсатган таъсири сезиларли даражада юқори.

Махсус эътибор ММП ва ТИМП ферментларининг ҳужайралараро матриксни қайта тузиш ва юрак тўқималаридаги яллиғланиш жараёнларидаги ҳал қилувчи ролини ўрганишга қаратилган. Ушбу ферментлар генларидаги полиморфик вариантлар юрак яллиғланиш касалликларининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин, бу уларни кейинги тадқиқотлар учун муҳим номзодларга айлантиради. SARS-CoV-2 инфекцияси туфайли юзага келган сурункали яллиғланиш ушбу ферментлар фаолияти ва

уларнинг миокардит ва миоперикардит патогенезидаги роли контекстида кўриб чиқилади.

Ушбу боб COVID-19 туфайли ривожланган миокардит ва миоперикардитга генетик мойилликни тушуниш учун назарий асос яратади ва ММП ва ТИМП генларининг полиморфик вариантларини ўрганиш ушбу асоратларнинг диагностика ва терапевтик стратегияларини яхшилашга қандай ёрдам бериши мумкинлигини муҳокама қилади. Эпидемиологик омиллар, патогенез ва даволаш вариантларининг батафсил таҳлили муаммонинг ҳар томонлама кўриб чиқирилишини таъминлайди ва диссертациянинг кейинги бўлимларида баён этилган батафсил тадқиқотлар учун замин ҳозирлайди.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва методлари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланган статистик, клиник-лаборатория усуллари баён этилган. Тадқиқот материалы тасвирланган ва тавсифланган, натижаларнинг статистик ишлови тақдим этилган.

Ушбу иш COVID-19 туфайли ривожланган миокардит ва миоперикардитга чалинган 18 дан 68 ёшгача бўлган 150 нафар бемор иштирок этган проспектив кузатув тадқиқоти ҳисобланади. Беморлар 2021 йилдан 2024 йилгача COVID-19 га қарши курашиш марказида (Самарқанд вилояти Кардиология диспансери) даволанган (жадвал 1).

Асосий гуруҳ 65% эркаклар ва 35% аёллардан иборат бўлиб, уларнинг ёши  $45,8 \pm 10,5$  йил ва касаллик давомийлиги ўртача  $5,2 \pm 1,7$  йилни ташкил этди. Бу гуруҳдаги беморларнинг тана массаси индекси (ТВИ)  $28,5 \pm 4,2$  кг/м<sup>2</sup> ни ташкил этди. Назорат гуруҳи 64% эркаклар ва 36% аёллардан иборат бўлиб, уларнинг ёши  $46,2 \pm 11,0$  йил ва касаллик давомийлиги ўртача  $4,8 \pm 1,9$  йилни ташкил этди. Контроль гуруҳидаги беморларнинг ТВИ  $24,8 \pm 3,5$  кг/м<sup>2</sup> ни ташкил этди. Жинс бўйича беморларнинг тақсимотини таҳлил қилишда гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади.

Миокардит ва миоперикардитга чалинган беморларни клиник тадқиқот қилиш шикоятлар ва анамнезга тўплаш, пальпация, перкуссия, аускультация усулларида фойдаланган ҳолда кўрик ўтказиш, антропометрия параметрларини (бўйи, тана вазни, ТВИ) ўлчашни ўз ичига олди. Барча беморларда умумий қон ва сийдик таҳлиллари, қоннинг биокимёвий тадқиқоти ўтказилди. С-реактив оқсил, тропонинлар, D-димер, шунингдек, умумий оқсил ва унинг фракциялари, билирубин, глюкоза, креатинин даражалари, АлАТ, АсАТ, протромбин индекси, фибриноген қийматлари аниқланди. Инструментал усуллардан кўкрак қафаси рентгенографияси, ЭКГ, ЭхоКГ ва миокарддаги яллиғланиш ва тузилма ўзгаришларини баҳолаш учун юракнинг МРТси ўтказилди.

Диссертациянинг " COVID-19 туфайли ривожланган миокардит ва миоперикардитга чалинган беморларнинг клиник хусусиятлари" деб номланган учинчи бобида COVID-19 билан касалланган беморларнинг асосий клиник кўрсаткичлари тақдим этилган.

Тадқиқотда гуруҳлардаги беморларнинг демографик хусусиятларини таққослаш 1-жадвалда кўрсатилган. Тадқиқот натижаларига кўра, икки гуруҳ

иштирокчилари ёши бир-бирига ўхшаш бўлган. Шу тариқа, асосий гуруҳдаги ўртача ёш  $45,8 \pm 10,5$  йилни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида у  $46,2 \pm 11,0$  йилни ташкил этган ва статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланмаган ( $p=0.78$ ).

### 1-жадвал

#### Тадқиқотдаги гуруҳлардаги беморларнинг демографик хусусиятларини таққослаш

| Кўрсаткичлар             | Асосий гуруҳ<br>n=100 | Назорат гуруҳи<br>n=50 | P-қиймат |
|--------------------------|-----------------------|------------------------|----------|
| Ёш (йил)                 | $45.8 \pm 10.5$       | $46.2 \pm 11.0$        | 0.78     |
| Эркаклар (n, %)          | 65 (65%)              | 32 (64%)               | 0.89     |
| Аёллар (n, %)            | 35 (35%)              | 18 (36%)               | 0.89     |
| Вазн (кг)                | $83.2 \pm 15.3$       | $71.5 \pm 14.0$        | 0.001    |
| ТВИ (кг/м <sup>2</sup> ) | $28.5 \pm 4.2$        | $24.8 \pm 3.5$         | 0.001    |
| Чекиш (n, %)             | 40 (40%)              | 10 (20%)               | 0.005    |
| Алкогол (n, %)           | 20 (20%)              | 8 (16%)                | 0.56     |

*Изоҳ: Гуруҳларни таққослаш учун Фишер ва Манн-Уитни-Уилкоксон мезони 0,05дан кичик аҳамиятлилик даражаси билан қўлланилди.*

Шунингдек, ҳар икки гуруҳда жинс бўйича тақсимланишда гуруҳлар ўртасида фарқлар аниқланмади ва бу омил тадқиқот натижаларига таъсир кўрсатмаганлиги аниқланди. Хусусан, асосий гуруҳда 65 нафар эркак (65%) ва 35 нафар аёл (35%) бўлган бўлса, назорат гуруҳида 32 нафар эркак (64%) ва 18 нафар аёл (36%) бўлган, бу статистик жиҳатдан аҳамиятли эмаслиги кузатилди ( $p=0.89$ ).

Бундан ташқари, тадқиқот натижалари асосий гуруҳдаги беморлар вазни кўпроқ ва уларнинг ТВИ юқорироқ бўлганини кўрсатди. Асосий гуруҳда ўртача тана вазни  $83,2 \pm 15,3$  кг ни ташкил этган бўлса, бу назорат гуруҳидаги ўртача вазндан ( $71,5 \pm 14,0$  кг) сезиларли даражада юқори бўлган ( $p=0.001$ ). Тадқиқотда шунингдек, беморлар орасида чекиш омили гуруҳлар ўртасида сезиларли даражада фарқ қилганлигини, асосий гуруҳ беморлари орасида чекиш кенгроқ тарқалганлигини кўрсатди. Аммо, тадқиқот натижасида алкоголь истеъмоли бўйича гуруҳлар ўртасида аҳамиятли фарқлар аниқланмади. Асосий гуруҳда 20 нафар (20%) бемор алкоголь истеъмол қилиб турса, назорат гуруҳида 8 нафар (16%) бемор алкоголь истеъмол қилиб туриши ҳақида маълумот берган ( $p=0.56$ ).

Асосий гуруҳдаги беморларнинг COVID-19 билан боғлиқ асоратлар тури бўйича асосий гуруҳда 56 нафар (56%) беморда миокардит, 27 нафар (27%) беморда перикардит ва 17 нафар (17%) беморда миоперикардит каби асоратлар кузатилган (2-жадвалда)

### 2-жадвал

#### COVID-19 асоратларининг учраш тезлиги бўйича беморларнинг тақсимоти

| Кўрсаткичлар | Асосий гуруҳ n=100 |
|--------------|--------------------|
|--------------|--------------------|

|               |          |
|---------------|----------|
| Миокардит     | 56 (56%) |
| Перикардит    | 27(27%)  |
| Миоперикардит | 17(17%)  |

COVID-19 оғирлик даражаси бўйича беморларнинг тақсимоти 3-жадвалда кўрсатилган. Тадқиқот натижаларига кўра, асосий гуруҳда кардиал асоратлар билан боғлиқ енгил COVID-19 ҳолатлари қайд этилмаган. Асосий гуруҳдаги беморларнинг 62% ўрта оғир даражадаги COVID-19 билан касалланган. Шунингдек, асосий гуруҳдаги 38% беморларда, яъни 38 нафар беморда оғир даражадаги COVID-19 аниқланган. Шундай қилиб, тадқиқот кардиал асоратлар, жумладан, миокардит ёки перикардит билан касалланган беморлар ўртача оғир ёки оғир формадаги COVID-19 билан касалланганлиги аниқланди.

### 3-жадвал

#### COVID-19 оғирлик даражаси бўйича беморларнинг тақсимоти

| Кўрсаткичлар | Асосий гуруҳ<br>n=100 | Назорат гуруҳи<br>n=50 | P-қиймат |
|--------------|-----------------------|------------------------|----------|
| Енгил        | 0(0.0%)               | 50(100%)               | <0.005   |
| Ўрта оғир    | 62(62%)               | 0(0.0%)                | <0.001   |
| Оғир         | 38(38%)               | 0(0.0%)                | <0.001   |

*Изоҳ: Гуруҳларни таққослаш учун Фишер ва Манн-Уитни-Уилкоксон мезони 0,05дан кичик аҳамиятлилик даражаси билан қўлланилди.*

COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг оғирлик даражаси бўйича кардиал асоратлар тақсимоти 4-жадвалда кўрсатилган. Тадқиқот натижаларига кўра, миокардит ўртача оғир формадаги COVID-19 билан касалланган беморларнинг 32.3% да кузатилагн бўлса, оғир формадаги COVID-19 билан касалланган беморлар орасида эса миокардитнинг учраш тезлиги 65.8% ни ташкил этган ( $p < 0.001$ ) ва касалликнинг оғир кечиши билан боғлиқ миокардитнинг кўпроқ учрашини англатади.

Шунингдек, биз перикардит ўртача оғир формадаги COVID-19 билан касалланган беморларнинг 16.1% да, оғир формадаги COVID-19 билан касалланган беморларнинг эса 39.5% да кузатган бўлсак ( $p = 0.002$ ) бу ҳам COVID-19 касаллигининг оғир кечиши перикардит хавфини ошириши мумкинлигини билдиради.

Бундан ташқари, тадқиқот натижалари миоперикардит ўртача оғир формадаги COVID-19 билан касалланган беморларнинг 8.1% да, оғир формадаги COVID-19 билан касалланган беморларнинг эса 26.3% да кузатилди ( $p = 0.005$ ). Аналогик тарзда ушбу асоратларнинг биргаликда кечиши ҳам COVID-19 касаллигининг оғирлик даражасига боғлиқлиги аниқланди.

### 4-жадвал

#### COVID-19 беморларида касалликнинг оғирлик даражаси бўйича асоратлар тақсимоти

| Кўрсаткичлар         | Ўрта оғир даража<br>n=62 | Оғир даража<br>n=38 | p- қиймат |
|----------------------|--------------------------|---------------------|-----------|
| Миокардит (n, %)     | (32.3%)                  | (65.8%)             | <0.001    |
| Перикардит (n, %)    | (16.1%)                  | (39.5%)             | 0.002     |
| Миоперикардит (n, %) | (8.1%)                   | (26.3%)             | 0.005     |

*Изоҳ: Гуруҳларни таққослаш учун Фишер ва Манн-Уитни-Уилкоксон мезони 0,05дан кичик аҳамиятлилик даражаси билан қўлланилди.*

Шундай қилиб, тадқиқот натижасида миокардит, перикардит ва миоперикардит учраш тезлиги оғир формадаги COVID-19 билан касалланган беморлар орасида ўртача оғир формага қараганда сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, тадқиқотимиз натижалари COVID-19 билан касалланган беморларда, айниқса, оғир формага эга бўлганларда кардиал асоратларни эрта аниқлаш ва мониторинг қилишнинг аҳамиятини таъкидлайди.

COVID-19 билан касалланган беморларда ҳамроҳ касалликлар тақсимоти бўйича маълумотлар 5-жадвалда тақдим этилган. Тадқиқот натижалари артериал гипертензия асосий гуруҳдаги беморларнинг 46% да ва назорат гуруҳидаги беморларнинг 22% да аниқланганлигини кўрсатди. Бу фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб ( $p=0.003$ ), COVID-19 билан касалланган беморлар орасида артериал гипертензиянинг кенг тарқалганлигини кўрсатади.

Қандли диабет ҳам асосий гуруҳдаги беморларнинг 31% да ва назорат гуруҳидаги беморларнинг 16% да аниқланган. Бу фарқ ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятлидир ( $p=0.04$ ), бу эса COVID-19 билан касалланган беморлар орасида қандли диабетнинг кўпроқ учрашини кўрсатади. Бундан ташқари, семизлик асосий гуруҳдаги беморларнинг 38% да ва назорат гуруҳидаги беморларнинг 18% да кузатилган ( $p=0.01$ ), бу эса COVID-19 билан касалланган беморлар орасида семизликнинг кенг тарқалганлигини кўрсатади.

#### 5-жадвал

#### COVID-19 билан касалланган беморларда ҳамроҳ касалликларнинг тақсимоти

| Кўрсаткичлар                | Асосий гуруҳ<br>n=100 | Назорат гуруҳи<br>n=50 | P-қиймат |
|-----------------------------|-----------------------|------------------------|----------|
| Артериал гипертензия (n, %) | 46 (46%)              | 11 (22%)               | 0.003    |
| Қандли диабет (n, %)        | 31 (31%)              | 8 (16%)                | 0.04     |
| Семизлик (n, %)             | 38 (38%)              | 9 (18%)                | 0.01     |
| УСОК (n, %)                 | 23 (23%)              | 6 (12%)                | 0.12     |
| Юрак етишмовчилиги (n, %)   | 25 (25%)              | 3 (6%)                 | 0.01     |

|  |          |        |      |
|--|----------|--------|------|
| %)   |          |        |      |
| Сурункали буйрак касаллиги (n, %)  | 14 (14%) | 3 (6%) | 0.15 |
| <i>Изоҳ: Гуруҳларни таққослаш учун Фишер ва Манн-Уитни-Уилкоксон мезони 0,05 дан кичик аҳамиятлилик даражаси билан қўлланилди.</i> |          |        |      |

Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) асосий гуруҳдаги беморларнинг 23% да ва назорат гуруҳидаги беморларнинг 12% да аниқланган бўлса-да, бу фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эмаслиги кузатилди ( $p=0.12$ ).

Олинган натижалар артериал гипертензия (46%), қандли диабет (31%), семизлик (38%) ва юрак етишмовчилиги (25%) каби ҳамроҳ касалликларнинг COVID-19 билан касалланган беморлар орасида кўпроқ учрашини кўрсатади. Бу омилларни хавфни баҳолаш ва даволашни режалаштиришда ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайди.

Шундай қилиб, тадқиқот натижасида артериал гипертензия, қандли диабет, семизлик, ЎСОК, юрак етишмовчилиги ва сурункали буйрак касаллиги оғир формадаги COVID-19 билан касалланган беморлар орасида ўртача оғир формага нисбатан сезиларли даражада кўпроқ учраши кузатилди.

Натижалар оғир COVID-19 билан касалланган беморлар орасида ҳамроҳ касалликларнинг учраши сезиларли даражада юқори эканлигини кўрсатади, бу омилларни хавфни баҳолаш ва натижаларни прогноз қилишда ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайди.

Тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг лаборатор кўрсаткичларинининг қиёсий таҳлили б-жадвалда келтирилган.

**б-жадвал**

**Тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг лаборатор кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили**

| Кўрсаткичлар   | Асосий гуруҳ<br>n=100 | Назорат гуруҳи<br>n=50 | P-қиймат |
|--|-----------------------|------------------------|----------|
| Лейкоцит ( $\times 10^9$ /л)   | 9.7 $\pm$ 2.5         | 6.1 $\pm$ 1.5          | <0.001   |
| Эритроцит ( $\times 10^{12}$ /л)   | 4.6 $\pm$ 0.4         | 4.8 $\pm$ 0.4          | 0.01     |
| Гемоглобин (г/л)   | 115.7 $\pm$ 12.1      | 131.2 $\pm$ 11.4       | <0.001   |
| Тромбоцит ( $\times 10^9$ /л)  | 202.5 $\pm$ 64.9      | 254.2 $\pm$ 51.5       | <0.001   |
| Лимфоцит ( $\times 10^9$ /л)   | 1.2 $\pm$ 0.7         | 2.4 $\pm$ 0.4          | <0.001   |
| ЭЧТ (мм/ч)   | 37.2 $\pm$ 12.7       | 11.4 $\pm$ 5.4         | <0.001   |
| <i>Изоҳ: Гуруҳларни таққослаш учун Фишер ва Манн-Уитни-Уилкоксон мезони <math>p &lt; 0,05</math> аҳамиятлилик даражаси билан қўлланилди.</i> |                       |                        |          |

Асосий гуруҳда лейкоцитлар даражаси 9,7 $\pm$ 2,5  $\times 10^9$ /л ни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги 6,1 $\pm$ 1,5  $\times 10^9$ /л га нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди ( $p < 0,001$ ). Эритроцитлар даражаси асосий гуруҳда 4,6 $\pm$ 0,4  $\times 10^{12}$ /л ни ташкил этган бўлиб, назорат гуруҳидаги 4,8 $\pm$ 0,4  $\times 10^{12}$ /л га нисбатан сезиларли даражада паст эканлиги қайд этилди ( $p=0,01$ ). Шунингдек, гемоглобин даражаси асосий гуруҳда 115,7 $\pm$ 12,1 г/л ни ташкил этди, бу эса назорат гуруҳидаги 131,2 $\pm$ 11,4 г/л кўрсаткичига нисбатан

сезиларли даражада паст эканлигини кўрсатади ( $p < 0,001$ ). Тромбоцитлар даражаси ҳам асосий гуруҳда  $202,5 \pm 64,9 \times 10^9/\text{л}$  ни ташкил этди ва назорат гуруҳидаги  $254,2 \pm 51,5 \times 10^9/\text{л}$  билан солиштирганда сезиларли даражада паст эканлиги аниқланди ( $p < 0,001$ ). Лимфоцитлар даражаси ҳам асосий гуруҳда  $1,2 \pm 0,7 \times 10^9/\text{л}$  ни ташкил этган бўлиб, назорат гуруҳидаги  $2,4 \pm 0,4 \times 10^9/\text{л}$  га нисбатан сезиларли даражада паст эканлиги тасдиқланди ( $p < 0,001$ ). Бундан ташқари, асосий гуруҳда эритроцитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ)  $37,2 \pm 12,7$  мм/соат ни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги  $11,4 \pm 5,4$  мм/соатга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди ( $p < 0,001$ ).

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқот натижалари асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида лаборатор кўрсаткичлари бўйича сезиларли фарқларни аниқланди ҳамда COVID-19 ни диагностика ва мониторинг қилиш жараёнида ушбу параметрларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Тадқиқотдаги гуруҳлар ўртасидаги лаборатор кўрсаткичларининг таққослаш натижалари 7-жадвалда келтирилган. Натижаларга кўра, асосий гуруҳда глюкоза даражаси  $6,2 \pm 1,2$  ммоль/л ни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги  $4,9 \pm 0,8$  ммоль/л га нисбатан сезиларли даражада юқори ( $p < 0,001$ ). Шунингдек, умумий оксил даражаси асосий гуруҳда  $68,4 \pm 4,1$  г/л ни ташкил этиб, назорат гуруҳидаги  $75,8 \pm 3,8$  г/л билан солиштирганда сезиларли даражада паст эканлиги аниқланди ( $p < 0,001$ ).

Бундан ташқари, тадқиқот натижалари асосий гуруҳда альбумин даражаси  $34,5 \pm 3,7$  г/л ни ташкил этганини кўрсатди, бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги  $42,1 \pm 2,9$  г/л га нисбатан сезиларли даражада паст ( $p < 0,001$ ). Шунингдек, асосий гуруҳда умумий билирубин даражаси  $14,8 \pm 5,7$  мкмоль/л бўлиб, назорат гуруҳидаги  $11,6 \pm 3,1$  мкмоль/л га нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди ( $p < 0,001$ ). Асосий гуруҳда тўғридан-тўғри билирубин даражаси ҳам юқори бўлиб,  $5,3 \pm 2,1$  мкмоль/л ни ташкил этган, назорат гуруҳида эса  $3,2 \pm 1,2$  мкмоль/л ни ташкил этган ( $p < 0,001$ ).

**7-жадвал**

**Тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг лаборатор кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили**

| Кўрсаткичлар                   | Асосий гуруҳ<br>n=100 | Назорат гуруҳи | P-қиймат  |
|--------------------------------|-----------------------|----------------|-----------|
| Глюкоза (ммоль/л)              | $6.2 \pm 1.2$         | $4.9 \pm 0.8$  | $< 0.001$ |
| Умумий оксил (г/л)             | $68.4 \pm 4.1$        | $75.8 \pm 3.8$ | $< 0.001$ |
| Альбумин (г/л)                 | $34.5 \pm 3.7$        | $42.1 \pm 2.9$ | $< 0.001$ |
| Умумий билирубин<br>(мкмоль/л) | $14.8 \pm 5.7$        | $11.6 \pm 3.1$ | $< 0.001$ |
| Билирубин (мкмоль/л)           | $5.3 \pm 2.1$         | $3.2 \pm 1.2$  | $< 0.001$ |
| АЛТ (Ед/л)                     | $45.8 \pm 15.2$       | $27.7 \pm 8.9$ | $< 0.001$ |

|   |             |            |        |
|---|-------------|------------|--------|
| АСТ (Ед/л)  | 42.3±12.7   | 24.9±7.4   | <0.001 |
| Мочевина (ммоль/л)  | 6.8±1.6     | 4.8±1.2    | <0.001 |
| Креатинин (мкмоль/л)  | 96.2±18.4   | 78.3±12.4  | <0.001 |
| Ферритин (нг/мл)  | 483.6±152.7 | 102.8±31.6 | <0.001 |
| СРО (мг/л)  | 22.4±11.3   | 4.7±1.8    | <0.001 |
| <i>Изоҳ: Гуруҳларни таққослаш учун Фишер ва Манн-Уитни-Уилкоксон мезони p&lt;0,05 аҳамиятлилик даражаси билан қўлланилди.</i> |             |            |        |

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида лаборатория кўрсаткичлари бўйича сезиларли фарқлар аниқланди, бу COVID-19 ни диагностика қилиш ва мониторинг қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотдаги гуруҳлар ўртасидаги кардиал биомаркерлар даражаларининг қиёсий таҳлили 8-жадвалда келтирилган. Натижаларга кўра, асосий гуруҳда тропонин даражаси 35,6±8,3 нг/л ни ташкил этиб, назорат гуруҳидаги 5,8±1,8 нг/л билан солиштирилганда сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди (p<0,001). Шунингдек, асосий гуруҳда D-димер даражаси 895,9±378,2 нг/мл бўлиб, назорат гуруҳидаги 285,4±68,5 нг/мл билан таққослаганда ҳам сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди (p<0,001).

Бундан ташқари, креатин киназа-МБ (КК-МБ) даражаси асосий гуруҳда 108,2±33,7 Ед/л ни ташкил этиб, назорат гуруҳидаги 22,4±8,8 Ед/л га нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди (p<0,001). Асосий гуруҳда миоглобин даражаси 72,6±21,0 нг/мл ни ташкил этган бўлиб, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 28,2±8,4 нг/мл ни ташкил этди ва сезиларли даражада юқори эканлиги тасдиқланди (p<0,001).

Шу тариқа, тадқиқот натижалари асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида кардиал биомаркерлар даражалари бўйича сезиларли фарқларни кўрсатди, бу эса COVID-19 ни диагностика ва мониторинг қилишда ушбу параметрларнинг аҳамиятини яна бир бор тасдиқлади. Тадқиқот натижалари асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида кардиал маркерлар даражалари бўйича сезиларли фарқларни кўрсатди, бу COVID-19 билан касалланган беморларда муҳим диагностик ва прогностик аҳамиятга эгаллиги аниқланди. Асосий гуруҳда тропонин даражаси сезиларли даражада юқори бўлиб, бу миокард шикастланишини кўрсатади, бу кўпинча COVID-19 билан касалланган беморларда кузатилади ва ўлим хавфининг юқори бўлиши билан боғлиқ.

#### 8-жадвал

#### Тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг лаборатор кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

| Кўрсаткичлар    | Асосий гуруҳ<br>n=100 | Назорат гуруҳи | P-қиймат |
|-----------------|-----------------------|----------------|----------|
| Тропонин (нг/л) | 35.6±8.3              | 5.8±1.8        | <0.001   |
| D-димер (нг/мл) | 895.9±378.2           | 285.4±68.5     | <0.001   |

|   |            |          |        |
|---|------------|----------|--------|
| Креатинкиназа-МБ (Ед/л)   | 108.2±33.7 | 22.4±8.8 | <0.001 |
| Миоглобин (нг/мл)   | 72.6±21.0  | 28.2±8.4 | <0.001 |
| <i>Изоҳ: Гуруҳларни таққослаш учун Фишер ва Манн-Уитни-Уилкоксон мезони p&lt;0,05 аҳамиятлилик даражаси билан қўлланилди.</i> |            |          |        |

Тадқиқотдаги гуруҳлардаги беморларнинг электрокардиографик кўрсаткичлари 9-жадвалда таққосланган. Натижаларга кўра, асосий гуруҳда юрак қисқариш частотаси (ЮҚЧ) 87,2±15,8 уд/мин ни ташкил этган бўлиб, назорат гуруҳидаги 72,1±10,3 уд/мин билан солиштирганда сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди (p<0,001). Шунингдек, асосий гуруҳда PR-интервали 180±19,3 мс бўлиб, назорат гуруҳидаги 158,3±15,7 мс дан сезиларли даражада узунроқ эканлиги тасдиқланди (p<0,001).

Бундан ташқари, QRS комплекси давомийлиги асосий гуруҳда 103,0±12,7 мс ни ташкил этган, назорат гуруҳида эса 97,2±11,2 мс бўлиб, бу кўрсаткич ҳам сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди (p=0,02). Асосий гуруҳда QTc-интервали 454,7±28,6 мс бўлиб, назорат гуруҳидаги 407,3±19,4 мс дан сезиларли даражада узунроқ эканлиги аниқланган (p<0,001).

Асосий гуруҳда ST сегментнинг элевацияси 2,5±1,0 мм ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 0,5±0,2 мм бўлиб, сезиларли даражада юқори эканлиги қайд этилди (p<0,001). Шу билан бирга, ST сегментнинг депрессияси ҳам асосий гуруҳда 1,5±0,5 мм ни ташкил этган, назорат гуруҳида эса 0,2±0,1 мм бўлиб, бу фарқ ҳам статистик аҳамиятга эга эканлиги аниқланди (p<0,001).

T тишча амплитудаси асосий гуруҳда 0,3±0,1 мВ ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 0,5±0,1 мВ ни ташкил этган ва асосий гуруҳда сезиларли даражада паст эканлиги аниқланган (p<0,001). Асосий гуруҳда паталогик Q тишчаларининг мавжудлиги 27% беморларда қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳида 6% ни ташкил этган ва сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланган (p<0,001).

Шунингдек, асосий гуруҳдаги 12% беморларда Гис тутами чап оёқчаси блокадаси қайд этилган, бу кўрсаткич назорат гуруҳида 2% ни ташкил этган ва сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланган (p=0,04).

#### 9-жадвал

#### Тадқиқотдаги гуруҳлардаги беморларнинг электрокардиографик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

| Кўрсаткичлар      | Асосий гуруҳ<br>n=100 | Назорат<br>гуруҳи | P-қиймат |
|-------------------|-----------------------|-------------------|----------|
| ЧСС (уд/мин)      | 87.2±15.8             | 72.1±10.3         | <0.001   |
| PR-интервал (мс)  | 180±19.3              | 158.3±15.7        | <0.001   |
| QRS (мс)          | 103.0±12.7            | 97.2±11.2         | 0.02     |
| QTc-интервал (мс) | 454.7±28.6            | 407.3±19.4        | <0.001   |
| ST элевация (мм)  | 2.5±1.0               | 0.5±0.2           | <0.001   |

|   |          |         |        |
|---|----------|---------|--------|
| ST депрессия (мм)   | 1.5±0.5  | 0.2±0.1 | <0.001 |
| T тишча амплитудаси (мВ)  | 0.3±0.1  | 0.5±0.1 | <0.001 |
| Патологик Q тишча(n, %)   | 27 (27%) | 3 (6%)  | <0.001 |
| ГТЧОБ (n, %)  | 12 (12%) | 1 (2%)  | 0.04   |
| ГТЎОБ (n, %)  | 8 (8%)   | 1 (2%)  | 0.10   |
| QRS волтаж (мВ)   | 1.0±0.3  | 1.2±0.4 | 0.03   |
| Қоринчалар экстрасистолияси (n, %)  | 20 (20%) | 3 (6%)  | 0.02   |
| Бўлмачалар экстрасистолияси (n, %)  | 15 (15%) | 2 (4%)  | 0.03   |
| Аритмиялар  | 25 (25%) | 4 (8%)  | 0.01   |
| <i>Изоҳ: Гуруҳларни таққослаш учун Фишер ва Манн-Уитни-Уилкоксон мезони p&lt;0,05 аҳамиятлилик даражаси билан қўлланилди.</i> |          |         |        |

Тадқиқотдаги гуруҳлардаги беморларнинг электролит кўрсаткичларини таққослашни 10-жадвалда келтирилган. Тадқиқот натижалари асосий гуруҳда натрий даражаси 135.4±4.8 ммоль/л ни ташкил этганини, бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги 140.1±3.7 ммоль/л га нисбатан сезиларли даражада паст эканлигини кўрсатди (p<0.001). Асосий гуруҳда калий даражаси 4.1±0.4 ммоль/л ни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳида 4.3±0.3 ммоль/л ни ташкил этган ва сезиларли даражада паст эканлиги аниқланган (p=0.01).

Шунингдек, тадқиқот натижаларига кўра, асосий гуруҳда умумий кальций даражаси 2.15±0.18 ммоль/л ни ташкил этган, бу кўрсаткич назорат гуруҳида 2.30±0.15 ммоль/л ни ташкил этган ва сезиларли даражада паст эканлиги аниқланган (p<0.001). Асосий гуруҳда бикарбонат даражаси 21.8±2.7 ммоль/л ни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳида 24.7±1.9 ммоль/л ни ташкил этган ва сезиларли даражада паст эканлиги аниқланган (p<0.001). Шундай қилиб, тадқиқот натижалари асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида электролит кўрсаткичлари бўйича сезиларли фарқларни аниқлади, бу COVID-19 билан боғлиқ миокардит ёки перикардитга чалинган беморларни диагностика қилиш ва мониторинг қилиш контекстида ушбу параметрларнинг аҳамиятини таъкидлайди.

Тадқиқот натижалари асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида электролит даражалари бўйича сезиларли фарқларни кўрсатади, бу COVID-19 билан боғлиқ миокардит ёки перикардитга чалинган беморларни диагностика қилиш ва прогноз қилишда муҳимдир. Асосий гуруҳда натрий даражасининг пастлиги гипонатриемияни кўрсатади, бу COVID-19 нинг оғир кечиши ва сув-электролит мувозанатининг бузилиши билан боғлиқ. Асосий гуруҳда калий даражаси ҳам паст бўлиб, бу гипокалиемияни кўрсатади, бу калийнинг кўпроқ йўқолиши ёки унинг реабсорбциясининг бузилиши билан боғлиқлигини таъкидлайди.

#### 10-жадвал

### Тадқиқотдаги гуруҳлардаги беморларнинг электролит кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

| Кўрсаткичлар  | Асосий гуруҳ<br>n=100 | Назорат гуруҳи | P-қиймат |
|---|-----------------------|----------------|----------|
| Натрий (ммоль/л)  | 135.4±4.8             | 140.1±3.7      | <0.001   |
| Калий (ммоль/л)   | 4.1±0.4               | 4.3±0.3        | 0.01     |
| Кальций обций<br>(ммоль/л)  | 2.15±0.18             | 2.30±0.15      | <0.001   |
| Бикарбонат (ммоль/л)  | 21.8±2.7              | 24.7±1.9       | <0.001   |
| <i>Изоҳ: Гуруҳларни таққослаш учун Фишер ва Манн-Уитни-Уилкоксон мезони p&lt;0,05 аҳамиятлилик даражаси билан қўлланилди.</i> |                       |                |          |

Асосий гуруҳда бикарбонат даражасининг пастлиги метаболик ацидозни кўрсатади, бу оғир инфекциялар ва юрак асоратлари бўлган беморларда кўпинча кузатилади. Шундай қилиб, тадқиқот натижалари электролит кўрсаткичларини мониторинг қилишнинг аҳамиятини таъкидлайди, касалликнинг оғирлигини баҳолаш ва прогноз қилиш учун паст натрий, калий, кальций ва бикарбонат даражалари юрак асоратлари билан кечувчи COVID-19 нинг оғир кечишига ишора қилиши мумкин, бу эса интенсив кузатув ва даволашни талаб қилади.

Диссертациянинг **"COVID-19 сабаб бўлган миокардит ва миоперикардит билан оғриган беморларнинг иммунологик тестлар (ММП-9 ва ТИМП-1 полиморфик вариантлари) натижаларининг таҳлили"** деб номланган туртинчи бобида COVID-19 сабаб бўлган миокардит ва миоперикардит билан оғриган беморларнинг иммунологик тестлар (ММП-9 ва ТИМП-1 полиморфик вариантлари) натижалари тақдим этилган.

COVID-19 билан боғлиқ миокардитга чалинган беморларда MMP9 гени -8202 A>G (rs11697325) аллеллари ва генотипларининг тарқалиш хусусиятлари ўрганилди (n=100). (11-жадвал)

#### 11-жадвал

#### ММП9 гени -8202 A>G (rs11697325) аллелларининг COVID-19 билан боғлиқ миокардитга чалинган беморларда учраш частотаси

| Аллел  | Аллеллар сони | Аллеллар сони, % | Аллел | Назорат гуруҳи, абс. (%) | $\chi^2$               | OR (95% CI)               |
|--|---------------|------------------|-------|--------------------------|------------------------|---------------------------|
| A  | 140           | 70,00            | A     | 69 (52,27)               | 10.715<br>(p=0.001063) | 1.35<br>>2.13<<br>3.362   |
| G  | 60            | 30,00            | G     | 63 (47,73)               |                        | 0.297<br>>0.469<<br>0.741 |
| <i>Изоҳ: <math>\chi^2</math> – Пирсоннинг ишончлилик кўрсаткичи; OR – нисбий хавф.</i> |               |                  |       |                          |                        |                           |

COVID-19 билан боғлиқ миокардитга чалинган беморлар ва назорат гуруҳида MMP9 гени -8202 A>G (rs11697325) аллелларининг тарқалиш частотаси 11-жадвалда кўрсатилган. Тадқиқот натижаларига кўра, асосий гуруҳда А аллели 140 та ҳолатда учраб, барча аллелларнинг 70.00% ни


ташқил этган, назорат гуруҳида эса А аллели 69 та ҳолатда учраб, барча аллелларнинг 52.27% ни ташқил этган.  $\chi^2$  кўрсаткичи 10.715 ни ташқил этиб, А аллелининг асосий ва назорат гуруҳлари ўртасидаги частоталари ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ борлигини кўрсатади ( $p=0.001063$ ). А аллели учун нисбий хавф (OR) қиймати  $1.35 > 2.13 > 3.362$  бўлиб, бу А аллелининг COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланишининг предраспозицион омил эканлигини кўрсатади.

G аллели асосий гуруҳдаги беморларда 60 та ҳолатда учраб, барча аллелларнинг 30.00% ни ташқил этган, назорат гуруҳида эса G аллели 63 та ҳолатда учраб, барча аллелларнинг 47.73% ни ташқил этган. G аллели учун нисбий хавф (OR) қиймати  $0.297 > 0.469 > 0.741$  бўлиб, бу G аллелининг протектив таъсирга эга эканлигини ва COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланиш хавфини камайтиришини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари COVID-19 билан боғлиқ миокардитга чалинган беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида MMP9 гени -8202 A>G (rs11697325) аллеллари частоталари бўйича сезиларли фарқларни кўрсатди. А аллели COVID-19 билан боғлиқ миокардитга чалинган беморларда назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада кўпроқ учраган, бу унинг ушбу касаллик ривожланишидаги предраспозицион ролини кўрсатади. Бу маълумотлар Маркелов ва ҳаммуаллифлар (2016) томонидан ўтказилган тадқиқот билан тасдиқланади, улар ҳам А аллелини юрак-қон томир касалликлари хавфини ошириши билан боғлиқ деб топганлар.

Бошқа томондан, G аллели назорат гуруҳида асосий гуруҳга нисбатан сезиларли даражада кўпроқ учраган, бу унинг протектив таъсирини кўрсатади. Бу маълумотлар Аксененко ва Рукши (2013) томонидан ўтказилган тадқиқотлар билан мос келади, улар MMP9 гени аллеллари ва генотиплари турли касалликларга, жумладан юрак-қон томир патологияларига предраспозициясига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлаган.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари А аллелини COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланишининг предраспозицион омил, G аллелини эса протектив таъсирга эга деб кўрсатади. Бу маълумотлар COVID-19 билан касалланган беморларда миокардит ривожланиш хавфини прогноз қилиш учун генетик тестларнинг аҳамиятини таъкидлайди ва ушбу асоратни даволаш ва олдини олиш учун персоналлаштирилган стратегияларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бошқа тадқиқотлар натижалари билан таққослаш бизнинг хулосаларимизни тасдиқлайди ва ушбу генетик маркерларнинг клиник амалиётдаги аҳамиятини таъкидлайди.



**1-расм. COVID-19 билан боғлиқ миокардитга чалинган беморларда MMP9 гени -8202 A>G (rs11697325) генотиплари частоталарининг тақсимоти**


Полиморфик локус -8202 A>G (rs11697325) гени MMP9 генотипларининг беморлар гуруҳи ва назорат гуруҳидаги тарқалиш ҳолати Харди – Вайнберг мувозанатига мувофиқ келади.

**12-жадвал  
MMP-9 гени -8202 A>G (rs11697325) генотипларининг COVID-19 билан боғлиқ миокардитга чалинган беморларда учраш частотаси**

| Генотип | Беморлар, n=100 | Беморлар, % | Назорат гуруҳи, абс. (%) | $\chi^2$              | OR (95% CI)         |
|---------|-----------------|-------------|--------------------------|-----------------------|---------------------|
| AA      | 48              | 48,00       | 17 (25,76)               | 8.256<br>(p=0.004061) | 1.352 >2.661 >5.236 |
| AG      | 44              | 44,00       | 35 (53,03)               | 1.3<br>(p=0.254231)   | 0.373 >0.696 >1.299 |
| GG      | 8               | 8,00        | 14 (21,21)               | 6.037<br>(p=0.01401)  | 0.127 >0.323 >0.821 |

*Изоҳ:  $\chi^2$  – Пирсоннинг ишончилилик кўрсаткичи; OR – нисбий хавф.*

Кейинги генотипик ассоциацияларни таққослаш таҳлилида (2-жадвал) MMP9 гени -8202 A>G (rs11697325) генотипи GG таркибида беморлар ва назорат гуруҳидаги соғлом шахслар ўртасида сезиларли фарқлар аниқланди (мувофиқ равишда 8 ва 21,21%; OR = 0,323; 95% CI: 0.127 >0.323 > 0.821;  $\chi^2=6.037$  (p=0.01401)). Бу маълумотлар GG генотипининг мавжудлиги беморларда миокардит ривожланиш хавфининг камайиши билан боғлиқлигини кўрсатади.



**2-расм. COVID-19 билан боғлиқ миокардит билан оғриган беморларда ММП-9 гени -8202 А>G (rs11697325) генотиплари частотасининг тақсимооти**

AG гетерозигот генотипини таҳлил қилишда ҳам унинг беморлар ва назорат гуруҳи ўртасидаги учраш частотаси бўйича фарқлар аниқланди (мувофиқ равишда 44% ва 53%; OR = 0,696; 95% CI: 0,373 >0,696> 1,299;  $\chi^2=1,3$  ( $p=0,254231$ )). Гарчи фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлмасада, назорат гуруҳида AG генотипининг кўпроқ учраш тенденцияси кузатилди, бу унинг потенциал протектив аҳамиятига ишора қилиши мумкин.

Тадқиқ қилинган намунада беморлар гуруҳида номақбул AA генотипи сезиларли даражада кўпроқ учраган (мувофиқ равишда 48 ва 25,76%; OR = 2,661; 95% CI: 1,352 >2,661> 5,236;  $\chi^2=8,256$  ( $p=0,004061$ )). Бу AA генотипи мавжудлиги COVID-19 билан касалланган беморларда миокардит ривожланиш хавфини сезиларли даражада оширганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, ушбу намунада COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланишига мойилликни кўрсатувчи маркерлар ММП-9 гени -8202 А>G (rs11697325) аллель А ва гомозигот AA генотипи ҳисобланади, ҳимоявий аҳамият эса G аллели ва GG генотипига эга. Бу маълумотлар COVID-19 билан касалланган беморларда миокардит ривожланиш хавфини прогноз қилиш учун генетик тестларнинг аҳамиятини тасдиқлайди.

Ҳозирги тадқиқот натижалари муҳим клиник аҳамиятга эга, чунки улар миокардит ривожланиш хавфи ошган беморларни аниқлаш имконини беради, бу эса самаралироқ мониторинг ва эрта аралашувга ёрдам бериши мумкин. Клиник амалиётга генотипик тестларни жорий этиш COVID-19 билан боғлиқ

асоратларнинг даволаш ва олдини олишга пшасийлаштирилган ёндашув учун фойдали восита бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, генотиплар ва миокардит ривожланиш хавфи ўртасидаги аниқланган ассоциациялар коронавирус инфекцияси билан боғлиқ касалликларнинг оғирлиги ва натижаларига таъсир кўрсатувчи генетик омилларнинг қўшимча тадқиқотларини муҳимлигини таъкидлайди. Бу ассоциациялар асосида ётган механизмларни чуқур ўрганиш, матрикс металлопротеиназалар фаолиятини модуллаштириш ва беморларда клиник натижаларни яхшилашга қаратилган янги терапевтик стратегияларни ишлаб чиқишга олиб келиши мумкин.

Шундан сўнг ТИМП-1 rs11551797 гени 536C>T (rs11551797) аллеллари ва генотипларининг тақсимооти хусусияти ўрганилди. ТИМП-1 оқсил аминокислоталар таркибида rs11551797 изолейцинни 158-позицияда изолейцин билан синонимик алмаштиришга олиб келади. Тадқиқ этилган аминокислота изолейцин цинк бармоғи тузилиши ичида жойлашган.

Нуклеин кислоталар даражасида пиримидинни пиримидинга алмаштириш: AUC дан AUU га амалга ошади. Бундай алмаштириш кодоннинг ўзгаришига олиб келади, бу эса трансляция жараёнига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Трансляция жараёнида урацил билан химиявий боғланиш цитозинга нисбатан енгилроқ эридишга эга. Бу эса трансляция тезлигини оширишга, шунингдек, хатоларнинг юқори эҳтимолига ва оқсилнинг структура-функционал хоссаларига таъсир қилиши мумкин.

Ушбу соҳадаги тадқиқотлар ММП фаолиятини тартибга солиш механизмларини ва уларнинг ингибиторлари билан ўзаро таъсирини тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга. Олинган маълумотлар ушбу ферментлар фаолиятини модуллаштириш ва уларнинг патологик таъсирини олдини олишга қаратилган янги терапевтик стратегияларни ишлаб чиқиш учун фойдаланилиши мумкин.

Шундай қилиб, нуклеин кислоталар даражасида пиримидинни пиримидинга алмаштириш, AUC дан AUU га алмаштириш каби ҳолатларда, оқсилларнинг нормал функциясини сақлаш ва касалликларни олдини олиш учун генетик маълумотларнинг аниқлиги ва барқарорлиги аҳамиятини кўрсатади.

COVID-19 билан боғлиқ миокардит билан оғриган беморларда ва назорат гуруҳида ТИМП-1 гени 536C>T (rs11551797) аллеллари тақсимооти бўйича маълумотлар 13-жадвалда келтирилган.

### 13-жадвал

#### COVID-19 билан боғлиқ миокардит билан оғриган беморларда ТИМП-1 гени 536C>T (rs11551797) аллеллари тақсимооти

| Аллель | Аллеллар сони | Аллеллар сони, % | Назорат гуруҳи, абс. (%) | $\chi^2$              | OR (95% CI)            |
|--------|---------------|------------------|--------------------------|-----------------------|------------------------|
| C      | 194           | 97,00            | 288 (97.73%)             | 0.159<br>(p=0.689641) | 0.185 >0.752<<br>3.061 |

|  |   |      |          |  |                     |
|--|---|------|----------|--|---------------------|
| T  | 6 | 3,00 | 3(2.27%) |  | 0.327 >1.33 > 5.413 |
| <i>Изоҳ: <math>\chi^2</math> – Пирсоннинг ишончлилиқ кўрсаткичи; OR – нисбий хавф.</i> |   |      |          |  |                     |

Тадқиқот натижалари асосий гуруҳда С аллели 194 та ҳолатда учраганлигини, яъни барча аллелларнинг 97%ини ташкил этганлигини кўрсатди. Назорат гуруҳида С аллели 288 та ҳолатда учраган бўлиб, бу барча аллелларнинг 97,73%ини ташкил этади.  $\chi^2$  кўрсаткичи 0,159 ни ташкил этди, бу эса С аллели частоталари ўртасида асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ йўқлигини кўрсатади ( $p=0,689641$ ). С аллели учун OR (нисбий хавф) қиймати 0,185 >0,752 > 3,061 ни ташкил этди, бу С аллели COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланиши хавфига сезиларли таъсир кўрсатмаслигини кўрсатади.

Т аллели асосий гуруҳда 6 та ҳолатда, яъни барча аллелларнинг 3%ида аниқланган. Назорат гуруҳида Т аллели 3 та ҳолатда, яъни барча аллелларнинг 2,27%ида аниқланган. Т аллели учун OR қиймати 0,327 >1,33 > 5,413 ни ташкил этди, бу эса Т аллелининг COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланиши хавфига сезиларли таъсир кўрсатмаслигини кўрсатади.

14-жадвалда генотишлаш натижасида олинган маълумотлар кўрсатилган, ушбу намунада COVID-19 билан боғлиқ миокардит билан касалланган беморларда 536C>T (rs11551797) TIMP1 генида таҳлил қилинган патологияни ривожлантиришга мойиллик кўрсатувчи аҳамиятли маркерлар аниқланмади.

Тадқиқот натижалари 536C>T(rs11551797) TIMP-1 гени аллелларининг COVID-19 билан боғлиқ миокардит билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида аҳамиятли фарқларни кўрсатмаганлигини кўрсатди. С аллели ҳар икки гуруҳда ҳам доминант бўлган, асосий гуруҳда 97% ва назорат гуруҳида 97,73% ҳолатларда учраган.  $\chi^2$  кўрсаткичи ва OR қийматлари С аллели частоталари асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ йўқлигини кўрсатди, бу эса ушбу аллель COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланишида мойиллик омили эмаслигини англатади.

Шунингдек, Т аллелининг частотаси ҳам асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатмади. Т аллели асосий гуруҳда 3% ва назорат гуруҳида 2,27% ҳолатларда учраган, бу ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас. Т аллели учун OR қиймати бу аллелнинг COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланиши хавфига сезиларли таъсир кўрсатмаслигини кўрсатди.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари 536C>T (rs11551797) TIMP-1 гени аллеллари ва COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланиши ўртасида боғлиқликни аниқламади. Бу COVID-19 билан касалланган беморларда миокардитга мойилликни таъсир қилувчи генетик омилларни аниқлаш учун қўшимча тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини таъкидлайди. Бошқа тадқиқотлар натижалари билан солиштирилганда, бизнинг

хулосаларимиз тасдиқланди ва инфекциян касалликларда генетик мойилликларни ўрганишда комплекс ёндашувнинг аҳамияти таъкидланди.

14-жадвалдаги натижалар СС генотиби асосий гуруҳ беморларининг 94%ида, яъни 94 та ҳолатда учраганлигини кўрсатди. Назорат гуруҳида СС генотиби беморларнинг 95,45%ида, яъни 63 та ҳолатда учраган.  $\chi^2$  кўрсаткичи 0,164 ни ташкил этди, бу эса асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида СС генотиби частоталари ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ йўқлигини кўрсатади ( $p=0,685459$ ). СС генотиби учун OR (нисбий хавф) қиймати  $0,18 >0,746 > 3,093$  ни ташкил этди, бу эса СС генотиби COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланишида сезиларли хавф омили эмаслигини кўрсатади.

#### 14-жадвал

#### COVID-19 билан боғлиқ миокардит билан оғриган беморларда TIMP1 гени 536C>T (rs11551797) генотиплари частотасининг тақсимоти

| Генотип | Беморлар, n=100 | Беморлар, % | Генотип | Назорат гуруҳи, абс. (%) | $\chi^2$                  | OR (95% CI)               |
|---------|-----------------|-------------|---------|--------------------------|---------------------------|---------------------------|
| СС      | 94              | 94,00       | СС      | 63 (95,45)               | 0.164<br>( $p=0.685459$ ) | 0.18<br>>0.746 ><br>3.093 |
| СТ      | 6               | 6,00        | СТ      | 3 (4,55)                 | 0.164<br>( $p=0.685459$ ) | 0.323<br>>1.34 ><br>5.558 |
| ТТ      | 0               | 0,00        | ТТ      | 0                        |                           |                           |

*Изоҳ:  $\chi^2$  – Пирсоннинг ишончлилик кўрсаткичи; OR – нисбий хавф.*

СТ генотиби асосий гуруҳда беморларнинг 6%ида, яъни 6 та ҳолатда аниқланган. Назорат гуруҳида СТ генотиби 4,55% беморларда, яъни 3 та ҳолатда аниқланган. СТ генотиби учун  $\chi^2$  кўрсаткичи ва OR қиймати ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқни кўрсатмади ( $p=0,685459$  ва  $OR=0,323 >1,34 > 5,558$  мувофиқ равишда), бу СТ генотиби COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланишида аҳамиятли хавф омили эмаслигини кўрсатади.

ТТ генотиби на асосий гуруҳда, на назорат гуруҳида аниқланмаган, бу эса ушбу генотипнинг ўрганилган беморлар орасида жуда кам ёки умуман тарқалмаганлигини кўрсатади.

536C>T (rs11551797) TIMP1 гени генотиплари тақсимотининг таққослаш таҳлилида COVID-19 билан боғлиқ миокардит билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида ишончли фарқлар аниқланмади.

Тадқиқот натижалари 536C>T (rs11551797) TIMP1 гени генотиплари частоталарининг COVID-19 билан боғлиқ миокардит билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида аҳамиятли фарқларни кўрсатмаганлигини кўрсатди. СС генотиби ҳар икки гуруҳда ҳам доминант бўлиб, асосий гуруҳда 94% ва назорат гуруҳида 95,45% ҳолатларда учраган. СС генотиби учун  $\chi^2$  кўрсаткичи ва OR қиймати асосий ва назорат гуруҳлари

ўртасида СС генотиби частоталари ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ йўқлигини кўрсатди, бу эса ушбу генотип COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланишида мойиллик омили эмаслигини англатади.

Шунингдек, СТ генотиби частотаси ҳам асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатмади. СТ генотиби асосий гуруҳда 6% ва назорат гуруҳида 4,55% ҳолатларда учраган, бу ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас. ТТ генотиби на асосий, на назорат гуруҳида аниқланмаган, бу эса ушбу генотипнинг ўрганилган беморлар орасида жуда кам тарқалганлигини кўрсатади. Шунинг учун 536С>Т (rs11551797) TIMP1 гени генотиплари COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланишига аҳамиятли таъсир кўрсатмайди.

Тадқиқотда А аллели ва АА гомозигот генотиби -8202 А>G (rs11697325) MMP9 гени COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланиш хавфини оширадиганлиги аниқланган. G аллели ва GG генотиби эса химоявий таъсирга эга. Бу маълумотлар COVID-19 билан касалланган беморларда миокардит ривожланиш хавфини прогноз қилиш учун генетик тестларнинг аҳамиятини тасдиқлайди.

Олинган маълумотларга асосланиб, COVID-19 билан касалланган беморларда миокардитга мойилликни таъсир қилувчи бошқа генетик омилларни аниқлаш учун қўшимча тадқиқотларни давом эттириш тавсия этилади. MMP9 гени аллеллари ва генотиплари ҳамда COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланиши ўртасидаги аниқланган ассоциацияларни ҳисобга олган ҳолда, бу асоратни даволаш ва олдини олиш учун персоналлаштирилган стратегияларни ишлаб чиқиш муҳимдир.

Тадқиқот натижалари 536С>Т (rs11551797) TIMP1 гени аллеллари ва генотиплари ҳамда COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланиши ўртасида боғлиқликни аниқламади. Бироқ, А аллели ва АА генотиби -8202 А>G (rs11697325) MMP9 гени COVID-19 билан боғлиқ миокардит ривожланиш хавфига алоқадор эканлиги аниқланди, бу эса ушбу соҳада қўшимча генетик тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини таъкидлайди.

## ХУЛОСАЛАР

1. COVID-19 билан боғлиқ миокардит ва миоперикардит турли клиник кўринишлар, жумладан тахикардия, нафас қисилиши ва кўкрак қафасидаги оғриқлар, шунингдек, яллиғланиш ва миокард шикастланишининг биокимёвий белгиларининг (масалан, тропонин, С-реактив оқсил, креатинкиназа) кўтарилиши билан тавсифланиб, ЭКГ ва эхокардиография каби инструментал тадқиқотлар ушбу шартларга хос бўлган ўзгаришлар исботланди.
2. Гипертензия, қандли диабет ва семизлик каби хамроҳ касалликларнинг частотаси COVID-19 билан боғлиқ миокардит ва миоперикардит билан оғриган беморларда сезиларли даражада юқори бўлган, бу эса ушбу касалликларнинг ривожланиш хавфини оширишда мумкин бўлган ролни кўрсатди.
3. ММП-9 ва ТИМП-1 генларининг полиморф вариантлари таҳлилида аллеллар ва генотиплар COVID-19 билан касалланган беморларда миокардит ва миоперикардит ривожланиш хавфининг ошиши билан боғлиқ булиб, ММП-9 генини 8202 A/G (rs11697325) полиморфизмининг AA генотиби (OR = 2,661; 95% СИ: 1,352 >2,661 > 5,236;  $\chi^2 = 8,256$  ( $p = 0,004061$ )) ортиши ва юрак тўқималарининг шикастланишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. ТИМП-1 гени 536 C/T (rs11551797) аллеллари ва COVID-19 ўртасида миокардит хавфи билан боғлиқлиги аниқланмади. ММП-9 генининг GG ва AG генотипларида G аллели COVID-19 билан касалланган беморларда миокардит ва миоперикардит ривожланишида ҳимоя таъсири кузатилди ва ушбу полиморфизмни потенциал генетик маркер сифатида ҳисобланиши ҳамда SARS-CoV-2 инфекцияси билан боғлиқ юрак асоратлари ривожланиш хавфини башорат қилиши аниқланди.
4. Клиник ва лаборатор хусусиятлар, хамроҳ касалликлар мавжудлиги ва ирсий мойилликни ҳисобга олган ҳолда, COVID-19 дан кейинги миокардит ва миоперикардит билан оғриган беморларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилди. ММП-9 ва ТИМП-1 полиморфизмларининг генетик таҳлили, шу жумладан ММП-9 генининг GG ва AG генотипларининг ҳимоя таъсири юрак асоратлари ривожланиш хавфини башорат қилиши ҳамда COVID-19 билан касалланган беморларда миокардит ва миоперикардитни эрта аниқлаш ва олдини олишга қаратилган диагностика ва даволашнинг шахсийлаштирилган ёндашувларини яратиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 04/30.09.2020 Tib 123.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УРГЕНЧСКОМ ФИЛИАЛЕ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**АХМЕДОВА ГУЛЧЕХРА АБДУЛЛАЕВНА**

**РОЛЬ ПОЛИМОРФНЫХ ВАРИАНТОВ ГЕНОВ ММП И ИХ  
ТКАНЕВЫХ ИНГИБИТОРОВ В РАЗВИТИИ МИОКАРДИТА И  
МИОПЕРИКАРДИТА ВЫЗВАННОМ COVID-19**

**14.00.05 – Внутренние болезни**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2025**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей Аттестационной Комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Tib1501.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском Университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета ([www.urgfiltma.uz](http://www.urgfiltma.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet».

**Научный руководитель:** **Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Ахмедова Нилуфар Шариповна**  
доктор медицинских наук, доцент

**Мирахмедова Хилола Тухтасиновна.**  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:** **Андижанский государственный  
медицинский институт**

Защита диссертации состоится на заседании ученого совета за номером Ph.D.04/30.09.2020.Тиб.123.01 в Ургенчском филиале Ташкентской медицинской академии “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2025 года в \_\_\_\_\_. (Адрес: 220100, Хорезмская область, Ургенчский район, улица Аль-Хорезми, 28. Тел./факс: (+99862) 224-84-84, e-mail: [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ургенчского филиала Ташкентской медицинской академии (зарегистрирован под номером \_\_\_\_). Адрес: 220100, Хорезмская область, Ургенчский район, улица Аль-Хорезми, 28. Тел./факс: (+99862) 224-84-84), e-mail: [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz).

Автореферат диссертации распространен “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2025 года.  
(протокол реестра за № \_\_\_\_\_ от “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2025 года).

**Р.Ю.Рузибаев**

Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

**З.Ф.Джуманиязова**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
кандидат медицинских наук, доцент

**Р.Б.Абдуллаев**

Председатель научного семинара при  
учёном совете по присуждению  
учёных степеней, доктор медицинских  
наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

Актуальность и необходимость темы диссертации. Распространение пандемии COVID-19 по всему миру вызвало значительные изменения в глобальной системе здравоохранения, усугубив существующие проблемы и обнажив новые вызовы. Одним из наиболее опасных последствий инфекции стало развитие сердечно-сосудистых осложнений, таких как миокардит и миоперикардит. Данные патологии, как состояния, характеризующиеся воспалением сердечной мышцы и окружающих тканей, не только усугубляют клиническое течение COVID-19, но и оказывают долгосрочное негативное воздействие на здоровье пациентов, включая повышенный риск развития сердечной недостаточности и других заболеваний. серьезные сердечно-сосудистые заболевания. Учитывая большое количество людей, инфицированных COVID-19 во всем мире, изучение механизмов развития этих осложнений приобретает особую актуальность.<sup>1</sup>

В нашей стране проводится масштабная работа, направленная на коренное повышение качества медицинских услуг, оказываемых населению, развитие системы здравоохранения. В 2017-2021 годах, в соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан, в повышении уровня медицинского обслуживания населения на новый уровень «...повышение удобства и качества специализированных медицинских услуг, дальнейшее реформирование системы скорой и неотложной медицинской помощи, профилактики инвалидности...»<sup>2</sup> задачи, такие как. Поэтому, помимо поднятия уровня медицинского обслуживания населения на новый уровень, одним из актуальных научных направлений является внедрение методов лечения заболеваний сердечно-сосудистой системы и связанных с ними патологических состояний, разработка принципов лечения. заболеваний сердечно-сосудистой системы, улучшая качество жизни пациентов, снижая раннюю инвалидность и смертность.

Данный диссертации в определенной степени соответствует задачам, определенным в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № ПФ-4947. В 2017-2021 годах, а также «Совершенствование деятельности органов здравоохранения в решениях Президента Республики Узбекистан от 12 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № 3 PQ-3052. и ПК от 20 июня 2017 года - № 3071 «Дальнейшее развитие специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

---

<sup>1</sup> Анаев Э.Х., Княжеская Н.П. Коагулопатия во время COVID-19: фокус на антикоагулянтной терапии. // Журнал-Практическая пульмонология. 2020;(1):

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

<sup>3</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года «Новое в 2022-2026 годах».

В сфере здравоохранения приняты «О мерах» и другие нормативные документы. Эти данные служат в определенной степени актуальными диссертационными исследованиями, направленными на определение взаимосвязи между различными патогенетическими звеньями сердечных осложнений, таких как миокардит и миоперикардит, вызванных пост-COVID-19, с целью разработки новых подходов к персонализированной терапии. патогенетическими звеньями сердечных осложнений, таких как миокардит и миоперикардит, вызванных пост COVID-19, с целью разработки новых подходов к персонализированной терапии.

**Соответствие темы диссертации приоритетным направлениям исследований в республике Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с VI приоритетным направлением развития науки и технологий республики «Медицина и фармакология».

**Связанность диссертационной работы с государственными программами или НИР.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Самаркандского государственного медицинского университета по практическому проекту №012000260 «Разработка передовых технологий профилактики, диагностики и лечения инфекционных и социально-значимых неинфекционных заболеваний» (2018-2024гг).

**Степень изученности проблемы.** Миокардит и миоперикардит, вызванные COVID-19, с начала пандемии привлекли большое внимание научного сообщества. Заболевания, связанные с воспалением сердечной мышцы и перикарда, относятся к числу наиболее серьезных осложнений инфекции SARS-CoV-2 и могут привести к долгосрочным негативным последствиям, включая сердечную недостаточность и внезапную сердечную смерть. (Шарвадзе Г.Г. и др., 2020). Хотя с начала пандемии этим осложнениям было посвящено множество исследований, понимание механизмов их развития, особенно в контексте генетической предрасположенности и роли полиморфных вариантов генов ММП и ТИМП, до сих пор не изучено полностью (Deng Y. и др., 2020).

Роль полиморфных вариантов генов ММП и ТИМП в патогенезе миокардитов и миоперикардитов недостаточно изучена, эти ферменты играют ключевую роль в ремоделировании межклеточного матрикса и воспалительных процессах в ткани сердца. (Вахшури М. и др., 2020). В последние годы исследователи начали более активно изучать влияние полиморфизма этих генов на воспалительные заболевания сердца, развивающиеся вследствие различных инфекций, в том числе вирусных. Однако окончательные исследования, изучающие взаимосвязь между полиморфизмами ММП и ТИМП, связанными с миокардитом и миоперикардитом, развившимися вследствие COVID-19, все еще находятся в зачаточном состоянии и требуют дальнейших исследований (Seymen S.M. и др., 2021).

Имеющиеся в настоящее время данные показывают, что

полиморфизмы генов ММП и ТИМП могут оказывать существенное влияние на уровень воспаления и структурные изменения миокарда при вирусных инфекциях, в том числе при COVID-19. (Го Т. и др., 2020). Однако результаты исследований по-прежнему противоречивы из-за различий в исследуемых популяциях, методологиях и критериях оценки. Кроме того, большинство исследований сосредоточено на общих аспектах воспаления при миокардите, а точные механизмы, связанные с генетическими вариантами генов ММП и ТИМП, недостаточно изучены (Mateu-Salat, M. и др., 2020).

Таким образом, вопрос изучения роли полиморфных вариантов генов ММП и их тканевых ингибиторов при миокардитах и миоперикардитах, развившихся на фоне COVID-19, остается актуальным и требует дальнейших научных исследований. Углубленное изучение этого вопроса может помочь не только лучше понять патогенез этих заболеваний, но и разработать новые диагностические и терапевтические стратегии, направленные на профилактику и лечение сердечно-сосудистых осложнений у пациентов с COVID-19.

**Цель исследования:** Оценить роль полиморфных генов ММП-9 и тканевого ингибитора металлопротеиназ ТИМП-1 в развитии миокардитов и миоперикардитов, вызванных SARS-CoV-2.

Для достижения цели поставлены следующие **задачи исследования:**

Определение клинико-лабораторных характеристик, характерных симптомов, биохимических маркеров и данных инструментального исследования миокардита и миоперикардита у пациентов с COVID-19;

Оценить частоту сопутствующих заболеваний у больных миокардитом и миоперикардитом, ассоциированными с COVID-19, и их роль в патогенезе изучаемых заболеваний;

Анализ распределения аллелей и генотипов полиморфных вариантов генов ММП-9 и ТИМП-1 у пациентов с миокардитом и миоперикардитом, развившимся вследствие вируса SARS-CoV-2;

Разработка персонализированной диагностики и лечения на основе изучения генетических маркеров, связанных с развитием миокардита и миоперикардита, вызванных COVID-19.

**Объект исследования:** В этом исследовании 100 человек с диагнозом миокардит и миоперикардит, развившиеся на фоне COVID-19, и 50 человек, у которых не было сердечных осложнений, но было заболевание COVID-19, проходили лечение в специализированном центре по борьбе с COVID-19 в г. г. Самарканд (Кардиологический диспансер Самаркандской области) за 2021-2024 годы приняли участие 150 пациентов.

**Предмет исследования:** Результаты инструментальных исследований для оценки клинических показателей, в том числе ЭКГ, ЭкзоЭКГ, рентгенографии органов грудной клетки, а также пробы периферической крови для общего и биохимического анализа, а также

методом ПЦР проанализированы в крови у больных генов ММП-9 и ТИМП-1 полиморфные варианты у которых развился миокардит и миоперикардит на фоне COVID-19.

**Методы исследования:** В исследовании использовались опросники, объективное и физикальное обследование, специальные шкалы оценки тяжести миокардита и миоперикардита, вызванных COVID-19, инструментальные исследования, в том числе электрокардиографию, эхокардиографию, общеклинические, биохимические и молекулярно-генетические лабораторные исследования. Для анализа данных использовались статистические методы, включая пакет программного обеспечения Microsoft Excel 2021, пакет статистического программного обеспечения Arliquin и регрессионные модели.

